

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ТУРМУШДАГИ ЖАРОҲАТЛАНИШ АСОРАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИДА ГИГИЕНИК ВА ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР АҲАМИЯТИ

Оманова А.С.

Урганч давлат тиббиёт институти,
Отабек Абдуллаев

4-босқич, 353- гуруҳ тиббий профиқтика йўналиши талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20697265>

Долзарблиги. Болалар орасида турмушдаги жароҳатланиш бугунги кунда дунё миқёсида муҳим тиббий-ижтимоий ва санитария-гигиеник муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, болалиқдаги шикастланишлар нафақат юқори ногиронлик ва йўқотишларга олиб келади, балки оила ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига катта иқтисодий зарар етказди. Жароҳатланиш ҳолатлари нафақат болалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, балки уларнинг оғир асоратланиши ва ногиронликка олиб келиши хавфи билан ҳам характерланади. Шу боис, мактаб ёшидаги болалар ўртасида жароҳатларнинг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий ва гигиеник омилларни ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади. Болаларнинг ёш ва жинс хусусиятлари, улар яшайдиган муҳитнинг санитария-гигиеник ҳолати, ота-она назоратининг даражаси жароҳатланиш хавфини белгиловчи асосий ижтимоий омиллардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Хоразм вилоятининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мактаб ёшидаги болалар орасида турмушдаги жароҳатланишни илмий асосда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади: Мактаб ёшидаги болаларнинг турмушдаги жароҳатланишнинг шаклланишига таъсир этувчи санитария-гигиеник ҳамда ижтимоий хавф омилларини комплекс баҳолаш.

Материал ва усуллар: Тадқиқот иши Хоразм вилоятининг танлаб олинган ҳудудлари — Урганч шаҳри, Янгиариқ ва Қўшқўпир туманларидаги умумтаълим мактабларида олиб борилди. Ижтимоий-гигиеник ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида махсус ишлаб чиқилган анкета-сўровнома асосида жами 1106 нафар мактаб ўқувчиси қамраб олинди. Ўтказилган анкета сўровнома орқали жароҳатларнинг тури, содир бўлган жойи, вақти, мавсуми, болаларнинг ёш-жинс таркиби ва яшаш шароитлари таҳлил қилинди.

Материал ва усуллар. Тадқиқот Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри, Янгиариқ ва Қўшқўпир туманларидаги умумтаълим мактабларида ўтказилди. Ижтимоий-гигиеник, статистик ва аналитик методлар ҳамда анкета-сўров усули орқали жами 1106 нафар мактаб ёшидаги болалар ўрганилди. Жароҳатларнинг тури, содир бўлган жойи, вақти, мавсуми, болаларнинг ёш-жинс таркиби ва яшаш шароитлари таҳлил қилинди.

Натижалар ва муҳокама: Ўрганилган болаларнинг жинсий таркиби таҳлил қилинганда, шикастланиш ҳолатларининг сезиларли даражада юқори қисми ўғил болалар ҳиссасига (56,8%, 628 нафар) тўғри келиши аниқланди; қиз болалар эса 42,9% ни (474 нафар) ташкил этди. Ёш гуруҳлари бўйича энг юқори хавф 10–14 ёшли ўсмирлар даврига тўғри келиб, жами ҳолатларнинг 48,4% ини (535 нафар) ташкил қилди. Бу

кўрсаткич 6–9 ёшлиларда 18,4% ни (204 нафар), 15–17 ёшлиларда эса 31,7% ни (351 нафар) кўрсатди. Ушбу ҳолат ўғил болалар ва ўсмирлик давридаги болаларнинг юқори ҳаракатчанлиги ҳамда хулқ-атворидаги таваккалчиликка мойиллик билан изоҳланади.

Жароҳатланишнинг локализацияси ва локал муҳит шароитлари ўрганилганда куйидагича маълумотлар олинди:

Т/г	Жароҳатланиш содир бўлган жойлар	Болалар сони	(%) улиши
1	Ташқи муҳит (кўчада)	405	36,62%
2	Уй шароитида	395	35,71%
3	Таълим муассасаси (мактаб ҳудуди)	154	13,92%
4	Спорт машғулоти	58	5,24%
5	Транспорт йўллари	53	4,79%
6	Жисмоний тарбия дарслари	40	3,62%

Маълумотлардан кўринадики, кўча (36,62%) ва уй муҳити (35,71%) болалар учун энг юқори шикастланиш ўчоқлари ҳисобланади. Бу эса яшаш жойларида хавфсизлик қоидаларига риоя этилмаслиги ва болаларнинг бўш вақтларида назоратсиз қолишидан далолат беради.

Нозологик таркиб бўйича суяк синишлари (35,35%) ва юмшоқ тўқималарнинг лат ейиши (30,65%) етакчи ўринларни эгаллади. Бундан ташқари, тирналиш ва шилинишлар (10,40%), кесилган жароҳатлар (7,87%) ҳамда термик куйишлар (3,62%) қайд этилди. Термик куйишлар миқдоран кам бўлса-да, узоқ муддатли стационар даволаниш ва оғир ижтимоий-эстетик асоратлар қолдириши билан ажралиб туради.

Шикастланишларнинг вақт ва мавсумга боғлиқлик қонуниятлари мавжуд. Мактаб ўқувчиларининг жароҳатланиши энг юқори даражада ёз фаслига (39,15%) тўғри келади, қишда эса бу кўрсаткич энг минимал (15,46%) даражани ташкил этади. Кун давомида эса фаолликнинг энг юқори чўққиси — куннинг иккинчи ярмига (37,3%) тўғри келиши исботланди. Бу таътил ва дарсдан бўш вақтларда болалар устидан ижтимоий ва оилавий назоратнинг сусайишини кўрсатувчи гигиеник мезондир.

Хулосалар. Мактаб ёшидаги болалар ўртасида турмушдаги жароҳатланишлар кўпроқ ўғил болалар ўртасида юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ўғил болаларда (56,8%) ва фаол ўсмирлик (10–14 ёш) даврида максимал даражада намоён бўлади. Микросоциал муҳитда уй ва кўча шароитлари (жами 72% дан ортиқ) энг хавфли зоналар ҳисобланиб, бу жойларда санитария-гигиеник назорат ва маиший хавфсизлик муҳитини мустаҳкамлаш талаб этилади. Травматизмнинг олдини олиш учун мактабларда ва маҳаллаларда ота-оналарнинг санитария маданиятини ошириш, болаларда хавфсиз хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга қаратилган мақсадли профилактик дастурларни амалиётга тадбиқ этиш зарур.